

Литература:

1. Андреева Г.М. Социальная психология. М.: Аспект Пресс, 2002. 364 с.
2. Белкин А.С. Основы возрастной педагогики М.: Издательский центр «Академия», 2000. 170 с.
3. Петровская Л.А. Общение – компетентность – тренинг. М.: Смысл, 2007. 686 с.
4. Бодалев А.А. Личность и общение М.: Владос, 1995. 398 с.
5. Бодалев А.А. Психологическое общение. М.: «Институт практической психологии», 1996. 150 с.
6. Обухова Л. Ф. Возрастная психология. М.: МГУ, 1997. 446 с.
7. Зотова И.Н. Коммуникативная компетентность как аспект социализации личности студента в условиях информатизации общества. Актуальные социально – психологические проблемы развития личности в образовательном пространстве XXI века. Кисловодск: Промо, 2006. 109 с.
8. Тренинги с подростками: программы, конспекты занятий. Голубева. Волгоград.: Учитель, 2009. 206 с.
9. Зимняя И.А. Ключевые компетенции – новая парадигма результата образования //Высшее образование сегодня, 2003. № 5. С. 34-42
10. Коломинский Я.Л. Психология взаимоотношений в малых группах Минск.: Тетра Системс, 2000. 432 с.
11. Куницына В.Н. Восприятие подростками других людей и себя. Л.: ЛГУ, 1972. 128 с.
12. Микляева А.В. Я – подросток. Я среди других людей. Программа уроков психологии (9 класс). СПб.: Речь, 2003. 118 с.
13. Практикум по социально-психологическому тренингу / Под ред. Б. Д. Парыгина. СПб.: Михайлова В. А, 2000. 350 с.

ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН ИСЛОҲАТЛАР ҲАМДА РЕСПУБЛИКАМИЗ ОЛИМЛАРНИНГ ИЛМИЙ ЁНДАШУВЛАРИ

Болтаев Нурали Шираматович,

Тошкент давлат аграр университети таянч докторанти

Аннотация: Ушбу мақолада республикада олий таълим тизимини ривожлантириш, меҳнат бозорига рақобатбардош кадрлар тайёрлаш масалалари юзасидан ҳукумат томонидан олиб борилаётган ислоҳотлар ва мамлакатимиз иқтисодчи олимларининг олий таълим муассасалари юқори малакали кадрлар тайёрлаш бўйича олиб борган илмий тадқиқот ишлари ўрганилган ҳамда олий таълим тизимида ижобий натижаларга эришиш бўйича таклиф ва тавсиялар берилган.

Таянч сўзлар: таълим тизими, олий таълим, меҳнат бозори, кадрлар тайёрлаш, тадқиқот, изланиш, иқтисодиёт, ахборот технологиялари.

Ўзбекистонда сўнгги йиллар ичида изчил амалга оширилаётган таълим соҳасидаги ислохотлар натижасида малакали қишлоқ хўжалиги йўналишидаги мутахассис кадрлар тайёрлаш ишлари, хусусан, ҳудудларда олий ва профессионал таълим муассасалари сони ошиб бормоқда.

Хусусан, Мухтарам Президентимиз Ш.М.Мирзиёев томонидан “Биз олий таълим тизимини янги сифат босқичига кўтариш, олий ўқув юртлари тизимини янада ривожлантириш, соҳадаги мавжуд муаммоларни бартараф этиш, пировардида илм-фаннинг йирик ўчоқларига айлантиришга алоҳида эътибор қаратамиз. Аҳолининг олий таълим билан қамраб олинганлик даражаси муттасил ошириб борилади. Шунингдек, таълим соҳасининг яна бир энг асосий вазифаси бугунги кун учун зарур бўлган янги авлодни, илм-фан ва ўз ихтисослиги асосларини пухта эгаллаган, билимли ёшларни

тарбиялашдан иборатлиги шубҳасиз”[1] деб таъкидлаган. Ушбу берилган вазифалар ижроси бўйича 2021-2022 ўқув йили бошида Ўзбекистон Республикасида олий ҳарбий билим юртлиридан ташқари 154 та олий таълим ташкилотлари фаолият юритмокда, уларнинг таркибида 8 та академия, 34 та хорижий олий таълим ташкилотларининг филиаллари, 64 та университетлар ва 6 та олий диний таълим ташкилотлари ҳамда филиаллари фаолият юритмокда[2].

Мамлакатимиз бўйича 2022 йилда олий таълим соҳасида жами 800 мингдан ортик талаба таҳсил олиб келаётган бўлса, шундан, аграр таълим тизимида эса 24 мингдан ортик талаба кадрлар тайёрланмокда. Шунингдек, таълим соҳасини янги сифат босқичига олиб чиқиш мақсадида қатор норматив ҳужжатлар қабул қилинди ва янгидан ишлаб чиқилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрдаги ЎРҚ-639 сонли “Таълим тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сонли “Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30 июлдаги ПҚ-4795-сонли “Аграр таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2021 йил 24 декабрдаги ПҚ-60-сонли “Давлат олий таълим муассасаларининг академик ва ташкилий-бошқарув мустақиллигини таъминлаш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори, 2021 йил 24 декабрдаги ПҚ-61-сонли “Давлат олий таълим муассасаларига молиявий мустақиллик бериш чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарорлари қабул қилинган[3].

Шунга қарамасдан, бугунги кунда республикамызда аграр таълим тизими бўйича малакали олий ва ўрта-махсус кадрларни тайёрлаш борасида илмий-тадқиқот ишлари етарли даражада олиб борилмаяпти, мазкур тизимда олиб борилаётган илмий-тадқиқот ишларини жадаллаштиришни талаб этмокда. Шундан келиб чиқиб, мамлакатимизда аграр таълим тизими бўйича юқори малакали кадрларни тайёрлашнинг муҳим жиҳатларини ўрганиш бугунги куннинг долзарб масаларидан ҳисобланади.

Таълим соҳасида малакали кадрлар тайёрлаш, таълим муассасалари жозибдорлигини ошириш ва бошқа масалалари бўйича мамлакатимиз олимлари ҳам таълим тизимини ривожлантириш, мавжуд муаммолар ва уларнинг ечимлари бўйича ўз тадқиқотларини олиб боришган.

Жумладан, О.С.Қаҳҳоров ўз илмий изланишларида иқтисодиёт кафедралари бошқарув жараёни самарадорлигининг интеграл баҳолаш услубини ҳамда кадрлар тайёрлашнинг бошқарув самарадорлиги ва уларнинг иқтисодиётга таъсири ўрганилган. Шунингдек, касб-ҳунар таълим тизими битирувчиларини ишга жойлаштириш, олий таълим муассасаларига ўқишга кириши бўйича иқтисодий фаол аҳолининг ялпи ҳудудий маҳсулотга таъсири ҳисоблаб чиқилган[4]. Фикримизча, бошқарувда кадрлар тайёрлашни асосий вазифа қилиб белгиланса, уларни ишга жойлаштирилиши, соҳалар бўйича ҳудудлар талаби ўрганилиши натижасида таълим тизимидаги асосий муаммоларни вазирликлар, ишлаб чиқариш корхоналари, халқаро грант лойиҳалар ҳамда олий таълим муассасалари билан боғланган ҳолда ечим топиш имконияти яратилар эди. Шу билан бир қаторда таълим тизимини асосий негизида мутахассислик кафедралари ётганлиги соҳа учун бошқарув тизимини яратилишида ва кадрлар учун қўйилган талаблар кафедраларга асосий маъсулятнинг тушуши, олий таълимда бошқарув негизида кафедраларнинг ўрни юқори эканлигини кўрсатиб беради. Шу боис, кафедра ва талабалар ўртасида алоқаларни узвий боғлаш механизмининг яратиш ва уларни моддий-маънавий қўллаб қувватлаш зарур ҳисобланади.

Шунингдек, Т.З.Тешабаев ҳам ўз илмий изланишларида таълим тизимини бошқаришда кластер ёндошувини жорий этиш, стратегик мақсадлар асосида ички инновацион салоҳиятни таълим жараёнига тўлиқ жалб этиш ҳамда рақамли иқтисодиётни ривожлантиришнинг услубий ёндашуви давлат бошқаруви такомиллашувига уйғун ҳолда олий таълим тизимининг ўзаро боғлиқлигини аниқлаш бўйича ўз таклифларини ишлаб чиққан[5]. Бизнинг фикримизча, таълим тизимида бошқарувда инновацияни киритиш,

тизимни рақамлаштириш орқали таълим сифатини яхшилаш, манфаатлар тўқнашувини олдини олиш, замонавий илм-фан технологияларини қўллаш шу билан бир қаторда талабаларда мустақил фикр мулоҳаза юритишни шакллантириш имкони пайдо бўлади.

А.О.Очилов ўз тадқиқотида замонавий инновацион иқтисодиётда менежмент тамойилига мувофиқ «Бутун умр давомида таълим» («life-learning») концепциясига ўтиш ва таълим тизимида фанлар сонини оптималлаштириш, ОТМларида ўқиш муддатини бир йилга қисқартириш асосида бакалаврлар ва магистрлар тайёрлашни бошқариш самарадорлигини ошириш, олий таълим сифатини оширишни бошқаришнинг кўп босқичли модели таклиф этилган[6]. Фикримизча, тажриба ва жорий этиш механизмининг тенгликда қўлланилиши таълим тизимини ислоҳ қилиш билан бир қаторда унинг ривожланишига йўл очиб беради. Шу боис, ривожланган мамлакатлар таълим тизими остида мамлакатимизга мос таълим тизимини қўллашимиз кадрлар тайёрлашда уларнинг сифатини, билимини, дунёқарашини оширишга замин яратилади.

Ж.О.Кучаров ўз илмий изланишларида қишлоқ хўжалигида талаб этиладиган кадрлар сони меъёрларини аниқлаш услуги меҳнатнинг интенсивлиги, меҳнат унумдорлиги ва меҳнат тежамкор технологиялардан фойдаланиш қўламини ҳисобга олиш, қишлоқ хўжалигида малакали кадрларни тайёрлаш, фан-таълим ва амалиёт интеграциясини таъминлашни давлат томонидан солиқ, молия ва кредит дастаклари ҳамда аутстаффинг хизматларини ривожлантириш орқали рағбатлантириш, аграр таълим муассасаларига янги таълим шакли ва усулларини самарали жорий этиш мақсадида “Қишлоқ хўжалигида замонавий таълим шакллари синаш ва жорий этиш маркази”ни ташкил этиш ва уни молиялаштириш асосида фаолиятини йўлга қўйиш таклиф этилган[7]. Фикримизча, қишлоқ хўжалигида тайёрланаётган кадрлар замонавий билимларга эга бўлиши учун янги таълим шакллари ва усулларини самарали жорий этиш асосида меҳнат бозорида рақабатбардош кадрлар тайёрлашга эришиш мумкин бўлади. Ушбу ишларни амалга оширишда таълим муассасаларига хусусий секторни жалб этиш орқали илм-фан ишлаб чиқариш интеграциясини таъминлаш, илмий тадқиқот ишларини жадаллаштириш, молиявий ресурсларни жалб этиш орқали соҳани жозибадорлигини оширишга хизмат қилади.

Юқоридаги олимларнинг ёндашувларидан келиб чиқиб, олий таълим тизимида қуйидаги асосий вазифаларни амалга оширишга эътибор берилса мақсадга мувофиқ бўлади:

- ОТМ фаолиятини прогноз қилиш ва режалаштириш, стратегияларни ишлаб чиқиш;
- кадрларни меҳнат бозорида жой-жойига оқилона қўйиш, вазифаларни тақсимлаш, иш берувчилар билан мунтазам ҳамкорлик қилиш;
- таълимга оид ахборот тизимини ташкил этиш ва ундан фойдаланишнинг самарадорлигини таъминлаш;
- ҳар томонлама назорат, таҳлил, камчиликларни аниқлаш ва уларни бартараф этишни таъминлаш;
- ОТМ раҳбар ва педагог ходимларининг малакаси ва маҳоратини ошириб бориш.

Ушбу асосий вазифаларни самарали амалга ошириш натижасида барча соҳаларни етук кадрлар билан таъминлаш, соҳаларда инновацион технологияларни қўллаш, ёшларда креатив фикрлаш ва рақамли технологиялардан фойдаланиш кўникмаларини шакллантириш орқали республикаимиз иқтисодиётининг ўсишига олиб келади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ш.Мирзиёев. Янги Ўзбекистон Стратегияси.// Ўзбекистон нашриёти. Тошкент-2021.: 230 бет;
2. <https://stat.uz/uz/default/choraklik-natijalar/9388-2021#yanvar-dekabr>;
3. <https://www.lex.uz>;
4. О.С.Қахҳоров. Таълим тизимида иқтисодчи кадрларни тайёрлашнинг бошқарув механизмини такомиллаштириш (Бухоро вилояти мисолида).//Автореферат. 08.00.13 – Менежмент ихтисослиги. Тошкент-2017.: 52 бет;

5. Т.Тешабаев. Олий таълим тизимида инновацион фаолиятни ахборот технологиялари асосида бошқаришни такомиллаштириш.// Автореферат. 08.00.13 – Менежмент ихтисослиги. Тошкент-2019.: 83 бет;
6. А.Очилов. Юқори малакали кадрлар тайёрлашни бошқариш самарадорлигини ошириш.// Автореферат. 08.00.13 – Менежмент ихтисослиги. Тошкент-2018.: 76 бет;
7. Ж.Кучаров. Қишлоқ хўжалигини инновацион ривожлантириш шароитида кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш йўллари.// Автореферат. 08.00.04 – Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти ихтисослиги. Тошкент-2021.: 52 бет.

ОСОБЕННОСТИ ОРГАНИЗАЦИИ УЧЕБНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКОЙ РАБОТЫ В ПРОЦЕССЕ ПРОФЕССИОНАЛЬНОЙ ПОДГОТОВКИ БУДУЩИХ УЧИТЕЛЕЙ ТЕХНОЛОГИИ

Юрий Сергеевич Дорохин

*Кандидат педагогических наук, доцент, ФГБОУ ВО
«Тульский государственный педагогический
университет им. Л.Н. Толстого»*

Профессиональная подготовка учителей технологии должна соответствовать современным достижениям науки и техники. Социально-профессиональные требования, предъявляемые к учителю технологии, также периодически актуализируются в ФГОС, в профессиональном стандарте [1]. Содержание предметной области «Технология» обновляется в каждой редакции примерной основной образовательной программы основного общего образования (редакции 2010 [2], 2015 [3], 2020 [4], 2022 [5]). Однако одно остается неизменным – необходимость обучения школьников самостоятельной работе с дидактическим материалом. Зачастую такая работа направлена на получение новых знаний, которые получает обучающийся, воздействуя на объект исследования. Чтобы такая работа успешно осуществлялась, необходимо сформировать у будущих учителей навыки исследовательской работы.

А. Г. Юркевич резюмирует различие научных и учебных исследований и отмечает, что «предназначение учебно-исследовательских работ – практическое освоение исполнителями тех ЗУН, которые необходимы для осуществления исследовательско-аналитической деятельности и оформления ее результатов», в то время как научное исследование направлено на «производство нового, актуального для определенной научной дисциплины знания» [6, С. 15]. Т. е., в результате учебных исследований возможно получение так называемых «новых» знаний, но новыми они будут являться в основном для субъекта, осуществляющего исследовательскую работу, а целью процесса получения таких «новых» знаний является выработка у субъекта необходимых для исследовательской деятельности умений и качеств личности.

В процессе профессиональной подготовки будущих учителей технологии необходимо предусмотреть возможность проведения учебных исследований как по дисциплинам психолого-педагогического блока, так и по техническим дисциплинам. Психолого-педагогические учебные исследования могут проводиться как на базе образовательной организации высшего образования (при этом объектом учебных исследований может быть учебно-воспитательный процесс в вузе, обучающиеся данного вуза), так и в процессе прохождения производственной практики в общеобразовательной организации. Результаты такой учебно-исследовательской работы могут находить отражение в курсовых и выпускных квалификационных работах, содержащих элементы учебно-исследовательской деятельности.

Учебные исследования по технико-технологическим дисциплинам реализуются в процессе выполнения лабораторных работ и самостоятельной работы. Для успешного проведения такой учебно-исследовательской деятельности необходимо выбрать учебную